

# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 25 июль, № 145 (5565) Чоршанба

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ОЛИЙ МАЛАКАЛИ ИЛМИЙ ВА ИЛМИЙ-ПЕДАГОГ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Таъкидлансинки, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида таълим тизимининг барча турларини, жумладан, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича аниқ мақсадли кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини муваффақиятли амалга ошириш натижасида таълим жараёнининг барча босқичларини қамраб олувчи, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва компьютер техникаси билан жиҳозланган умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, олий таълим муассасаларидан иборат, юқори талабларга жавоб берувчи узлуксиз таълимнинг яхлит тизими яратилди.

Олий таълимнинг замонавий халқаро стандартларга жавоб берадиган икки босқичли тизими — бакалавриат ва магистратура яратилди. Стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар ва катта илмий ходим-изланувчилар институтлари жорий қилинди, уларни моддий рағбатлантириш шароитлари сезиларли даражада яхшиланди.

Шунинг билан бирга, амалдаги олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида амалга оширилаётган таълим тизимидаги ўзгаришларнинг мантиқий давоми сифатида тубдан ислоҳ қилиш объектив зарурияти бугунги кунда яққол намоён бўлди.

Илмий кадрларни аттестациядан ўтказишнинг амалдаги икки босқичли тизими (фан номзоди ва фан доктори) иқтисодий ривожланган демократик мамлакатларда қабул қилинган олий малакали илмий кадрлар тайёрлашнинг замонавий, халқаро тан олинган талабларига мос келмайди.

Номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиш ва фан номзоди илмий даражасини тасдиқловчи дипломни олиш кўп ҳолларда фан ва илмий-техникавий ривожланиш манфаатларидан йироқ бирдан-бир мақсад бўлиб қолган ҳамда диссертацияни тайёрлаш ва ҳимоя қилишнинг турли босқичларида суиистеъмолчилик ҳолатларига олиб келмоқда.

Бугунги кунда амал қилаётган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизими таълим жараёни бакалавриат ва магистратура стандартларига ўтказилгандан сўнг номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш моҳиятан ортиқча эканлигини кўрсатмоқда ҳамда фан доктори илмий даражасини олиш учун тўғридан-тўғри диссертацияни ҳимоя қилишни назарда тутувчи олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизимини жорий қилиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг устувор вазифаларини ва мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ва демократик ислоҳотларни, илғор жаҳон тажрибаси ва илмий кадрларни аттестациядан ўтказишнинг халқаро стандартларини ҳисобга олган ҳолда олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, шунингдек, диссертация тадқиқотларининг сифатини, илмий ва амалий аҳамиятини ошириш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини намоён этишига шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (кейинги ўринларда — ОАК), Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари мавжуд бўлган бошқа вазирлик ва идораларнинг 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб:

умум қабул қилинган халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ диссертация ҳимоя қилиш ва фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизимини жорий қилиш;

стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар институтини бекор қилиш, унда таълим олаётган шахсларни олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимининг янги талабларига мувофиқ, уларни аттестациядан ўтказиш ва диссертация тадқиқотлари мавзуларини танқидий қайта кўриб чиқиш асосида катта илмий ходим-изланувчилар институтига ўтказиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

фан доктори илмий даражаси "магистр" даражаси билан олий маълумотга эга бўлган, катта илмий ходим-изланувчилар институтида илмий изланишлар натижаларига кўра докторлик диссертациясини ҳимоя қилган шахсларга тегишли фан йўналиши бўйича фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар томонидан берилади;

катта илмий ходим-изланувчилар институтига "магистр" даражаси бўлган, илмий ва илмий-педагогик фаолият стажига (2 йилдан кам бўлмаган), шунингдек, фан номзоди илмий даражасига эга бўлган, фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асос бўлиши мумкин бўлган, маълум бир илмий натижаларни қўлга киритган (илмий мақолалар нашр этиш, илмий анжуманлар, семинарлар ва давра суҳбатларида иштирок этиш ва бошқалар) шахслар қабул қилинади;

ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчи сифатида расмийлаштирилган, "бакалавр" ёки "магистр" даражаси билан олий маълумотга, 3 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига эга бўлган, илмий изланишларга лаёқати мавжуд, белгиланган талабларга мос келадиган маълум бир илмий ютуқларга (ихтиро учун патентлар, илмий мақолалар, илмий-технологик ишланмаларда қатнашиш ва бошқалар) эга бўлган шахсларга ҳам докторлик диссертациясини ҳимоя қилишга рухсат берилади.

3. Амалда мавжуд бўлган норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ илмий даражалар бериш бўйича мавжуд ихтисослашган кенгашларга 2012 йилнинг охирига қадар 2012 йил 1 июлгача ОАК веб-сайтида диссертация ишлари ҳимоялари ҳақида эълон қилинган тадқиқотчиларга фан номзоди ва фан доктори илмий даражаларини бериш бўйича ишларни кўриб чиқишга рухсат берилсин.

4. Қуйидагилар:

фан номзоди илмий даражасига эга бўлган барча шахслар учун тегишли имтиёзлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўрнатилган молиявий тўловлар миқдори;

профессор, доцент ва катта илмий ходим илмий унвонларини бериш сақлаб қолинсин.

Бунда, аттестация ишлари кўриб чиқиш учун 2012 йилнинг 1 июлигача ОАКга тақдим этилган шахсларга илмий унвонлар амалда мавжуд бўлган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ берилиши белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Олий аттестация комиссияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Фанлар академияси ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар:

икки ой муддатда, халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўйича фан йўналишлари ва ихтисосликлар шифрларининг янги рўйхатини ўрнатилган тартибда тасдиқласинлар;

2012 йилнинг 1 ноябригача илмий даражалар бериш бўйича амалдаги ихтисослашган кенгашларни чуқур таҳлил қилиб, фан йўналишлари ва ихтисосликларнинг янги рўйхатини ҳисобга олган ҳолда мамлакатнинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида тегишли фан йўналишлари бўйича фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар тузишга оид тегишли қарор қабул қилсинлар;

2012 йилнинг 1 ноябригача фан доктори илмий даражасини бериш бўйича илмий кенгаш тўғрисидаги Низом ва фан доктори илмий даражасини бериш тартиби тўғрисидаги Низом ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилсин ва тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддат ичида мазкур Фармоннинг ижроси бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи тегишли Ҳукумат қарорини қабул қилсин:

умум қабул қилинган халқаро стандартларга мувофиқ "магистр" даражасини бериш бўйича диссертация иши мазмуни ва сифатига қўйиладиган янги мезонлар ва талаблар ишлаб чиқиш;

халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, олий ўқув юртидан кейинги таълимни ташкил этиш, докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш, профессор, доцент ва катта илмий ходим илмий унвонларини олиш учун қўйиладиган янги талаблар ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, ҳимоя қилинаётган диссертациялар, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиш амалиётини жорий этиш;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаб, ортиқча бюрократик жараёнларни йўқотиш, янги талабларни ҳисобга олган ҳолда унинг тузилмасини оптималлаштириш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш бўйича чоралар кўриш.

7. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси икки ой муддат ичида талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш бўйича тест ўтказишни назарда тутган ҳолда, фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотлари илмий мавзуларини рўйхатдан ўтказиш талабларини кучайтириш мақсадида амалдаги барча меъёрларни қайта кўриб чиқсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Фанлар академияси ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ҳ. А. Муҳиддинов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 24 июль



# Замонавий ускуналар, тежамкор технологиялар

### рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг муҳим омилидир

■ Модернизация

Мамлакатимизда тадбиркорлик учун қулай ишбилармонлик шароитини яратиб бериш мақсадида изчил амалга оширилаётган чора-тадбирлар туфайли кичик бизнес жадал суръатларда ривожланмоқда. Мазкур соҳа аҳоли бандлигини таъминлаш ва уларнинг даромадини шакллантиришда, ички бозорни импорт ўрнини босувчи юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш ҳамда уни экспорт қилишда етакчи кучга айланиб бораётгани бунинг яққол далилидир.

Дарҳақиқат, хусусий тадбиркорлар илгари, асосан, савдо-сотиқ ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқларида фаолият юритган бўлса, бугунги кунга келиб, улар мураккаб технологик жараёнларни қамраб олган ишлаб чиқаришда ҳам ташаббускорлик кўрсатишди. Бунга пойтахтимиздаги "Mezon plast" масъулияти чекланган жамияти фаолияти мисол бўла олади.

(Давоми 2-бетда).

# Қулай ишбилармонлик муҳити ва эркин фаолият

*Ҳар қандай тадбиркор қўллаб-қувватланган жойда камол топади. Эътибор — барча муваффақиятларнинг гарови, дейишимизнинг боиси шунда. Буни мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси мисолида яққол кўриш мумкин. Негаки, ушбу соҳага қаратилаётган эътибор туфайли у қисқа давр ичида кенг маъно-мазмун касб этиб, иқтисодиётимизни жадал ривожлантирувчи етакчи кучга айланди.*

■ Ислоҳотлар — тадбиркорлар нигоҳида

*Юртимизда тадбиркорлик ҳаракати бундан кейин ҳам юқори суръатларда тараққий этаверади. Тадбиркорларнинг Президентимизнинг матбуотда кетма-кет эълон қилинган фармонлари ҳақидаги мана бу дил сўзлари ана шундан далолат бериб турибди.*

**Роза ВАҲОБОВА,**
**Янгиер шаҳридаги "Шодлик-Р" хусусий фирмаси раҳбари:**

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг республикамиз иқтисодиётидаги ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётгани бугун барчамизга аён. Мазкур соҳанинг бир вакили сифатида қатъий ишонч билан айта оламанки, бундай юксак даражага юртимизда биз учун яратилаётган қулай шарт-шароит, берилаётган кенг имконият ва имтиёзлар туфайли эришаяпмиз. Шу маънода, Президентимизнинг куни кеча матбуотда эълон қилинган "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бошлаган ишимизни такомиллаштириш ва кўнглимизга тугиб қўйган мақсадларимизни тўлиқ рўёбга чиқаришда тарихий ҳужжат бўлиб қолади, десам, барча ҳамкасбларимнинг дилидаги гапни айтган бўламан.

(Давоми 2-бетда).

# ДАЛИЛЛАРНИ МЕНСИМАСЛИК АЯНЧЛИ ОҚИБАТЛАРГА ОЛИБ КЕЛИШИ МУМКИН

*Тожикистон Республикаси ҳукумати ҳузуридаги Қурилиш ва архитектура агентлиги раҳбарининг ўринбосари Нурали Саидов 2012 йил 16 июль куни бўлиб ўтган матбуот анжуманида яқинда оммавий ахборот воситаларида чоп этилган мақолада кўтарилган Роғун ГЭСи қурилиши масаласи юзасидан изоҳ берди.*

Н. Саидов матбуот анжумани қатнашчиларини Роғун ГЭСи майдонида "фақат қайта тиклаш ишлари олиб борилаётгани ва ҳеч қандай янги объектлар қурилмаётгани"га ишонтиришга жонжаҳди билан ҳаракат қилди. Лекин, қанчалик уринмасин, унинг баёноти Тожикистон томони мазкур ГЭС қурилиши лойиҳаси мустақил халқаро экспертизадан ўтмагунича Роғун ГЭСи қурилишига йўл қўймаслик борасида ўз зиммасига олган мажбуриятларни қўпол равишда бузаётганини ҳақида халқаро ҳамжамият ташвишга тушаётгани асосли эканини яна бир бор тасдиқлади.

Хусусан, тожикистонлик мазкур мансабдор шахс Вахш дарёсини тўсишга тайёрлаш борасидаги қурилиш ишлари жадал суръатда олиб борилаётганини тан олишга мажбур бўлди. У "иккита сув ташлайдиган туннелни тўлиқ ва сифатли қуриб битказишимиз керак. Ҳозир туннеллар деворларини қайта цементлаш ишлари олиб борилмоқда", деб очиқчасига баёнот берди.

Шу билан бирга, машина ва трансформатор заллари ичида асосий қурилиш ишлари ниҳоясига етиш арафасида экани таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

■ «Лондон — 2012»

*Кеча XXX ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этадиган Ўзбекистон спорт делегацияси Буюк Британия пойтахти Лондон шаҳрига жўнаб кетди.*

# «Ватан байроғини баланд кўтарамиз»

"Тошкент" халқаро аэропортида шу муносабат билан ташкил этилган тантанали маросимда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, спортчиларнинг ота-оналари, мухлислар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Таъкидландики, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда спортнинг ўрни нақадар беқиёс эканини истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида ушбу соҳага қаратилаётган юксак даражадаги эътибор самаралари яққол кўрсатиб турибди. Бугун истеъдодли ўғил-қизларимиз нафақат мамлакат миқёсидаги мусобақаларда, балки кўплаб халқаро турнирлар, қитъа ҳамда жаҳон чемпионатлари, Олимпиада ўйинларида муносиб иштирок этиб, ҳеч кимдан кам эмасликларини амалда исботламоқдалар.

Мана, бир мисол: мамлакатимиз мустақилликка эришганидан буён спортчиларимиз Атланта (АҚШ), Сидней (Австралия), Афина (Греция) ва Пекин (Хитой) шаҳарларида ташкил этилган Олимпиада ўйинларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиб, 4 та олтин, 5 та кумуш ҳамда 8 та бронза, жами 17 медални қўлга киритдилар. Агар ҳар тўрт йилликнинг ана шу нуфузли мусобақаларида дунёнинг 200 дан ортиқ давлатидан 10 мингдан зиёд спортчи совринли ўринлар учун кураш олиб боришини ҳисобга олсак, бу чиндан ҳам эътибор ва эътирофга молик натижадир.

(Давоми 2-бетда).

## Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

*Бугунги кунга келиб мамлакатимизда ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб шакли бўлган маҳалланинг ўрни ва мақоми тобора юксалиб бормоқда. Айни пайтда жойларда маҳалла жамоатчилиги томонидан бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва хотиржамликни сақлаш, меҳр-оқибат, бирдамлик, аҳиллик каби азалий қадрият ва фазилатларни асраб-авайлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш борасида олиб борилаётган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар, шубҳасиз, юртимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда беқиёс аҳамият касб этади.*

# Истеъдод ва тажриба кўриги

Зеро, маҳалла — одамларни бир-бирига яқинлаштирадиган, уларга юксак эътибор ва ғамхўрлик кўрсатадиган, қисқача айтганда, меҳр-мурувват масканига айланиб бормоқда.

Ўрта Чирчиқ туманидаги Қумовул қишлоғида бўлиб ўтган "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи иштирокчилари фаолиятига худди ана шу мезонлардан келиб чиққан ҳолда баҳо берилди.

— Маҳалланинг аҳоли, айниқса, ёшларимизнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ масалаларни ечишдаги, фуқароларни аниқ йўналтирилган ижтимоий қўллаб-қувватлашдаги ўрни катта, — дейди танлов иштирокчиси, Бекобод туманидаги "Тақачи" маҳалла фуқаролар йиғини диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Марҳамат Тожибоева. — Чиндан ҳам, азалдан эл-юрт манфаатига дахлдор юмушларни кўпнинг кучи, кўмаги билан бажаришга одатланганмиз. Бундай эзгу удум ва анъана одамлар орасида ўзаро меҳр-оқибат туйғуларини кучайтириш ҳамда инсонийлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Танловга ана шу жиҳатлар билан боғлиқ саҳна кўринишини ҳам тақдим этдик.

Қизиқарли кечган баҳслар якунида Ангрен шаҳридаги Жигаристон маҳалласи маслаҳатчиси Меҳринисо Бобораҳимова ғолиб, деб топилди.

Кўрик-танловнинг Наманган вилояти босқичида ушбу ҳудуддаги фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларида фаолият олиб бораётган 753 нафар диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчининг хотин-қизлар ижтимоий-иқтисодий, тиббий маданиятини ошириш, уларни ишга жалб этиш, оила тинчлиги ва маҳалла тотувлигини таъминлаш йўлидаги фаолиятларига ўзига хос баҳо берилди. Улар орасидан сараланган 12 нафар иштирокчининг ҳар бир чиқишида шу ҳолат сезилиб турди.

— Мазкур тадбир "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида олиб бораётган ишларимизнинг ўзига хос ҳисоботи бўлди, — дейди кўрик-танловнинг вилоят босқичи ғолиби, Наманган шаҳридаги "Ўзбекистон" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Каримахон Мирзалиева. — Чунки танлов шартларида кўзда тутилганидек, бугунги кунда оилалар тотувлиги, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалалари жуда долзарб бўлиб, буни жойларнинг ўзида ҳал қилиш ҳар биримиздан катта масъулият талаб этади. Бу борада кўрик-танловда қўлга киритган билим ва тажрибамиз асқотади, албатта.

Кўрик-танловнинг Тошкент шаҳар босқичи ҳам қизиқарли кечди. Маълумки, бугунги кунда пойтахтимиздаги 476 та фуқаролар йиғинида катта ҳаёт тажрибасига эга, аҳоли, энг аввало, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, миллий анъаналар ҳамда урф-одатларимизни сақлаш борасида бошқаларга ибрат бўла оладиган 470 нафар диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи фаолият юритиб келмоқда. Шаҳар босқичида улар орасидан сараланган 11 нафари ўзаро баҳс олиб борди. Якунда "Қорасарой" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Написа Иргашева ғолибликни қўлга киритди.

— Ушбу танловнинг Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллиги олдидан ўтказилгани бежиз эмас, — дейди у. — Чунки маҳалла тизимининг ривожи бевосита истиқлол билан боғлиқ. Шу боис фаолиятимиз давомида мустақиллик неъмати, уни асраб-авайлаш тўғрисида ҳам сўз юритамиз. Мустақиллигимиз абадий экан, фуқаролик жамияти таянчи бўлган маҳалла ҳам ривож топиб бораверади.

Ғолибларга ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Жойларда кўрик-танловнинг вилоят босқичлари давом этмоқда.

**«Халқ сўзи» мухбирлари материаллари асосида тайёрланди.**

# «Ватан байроғини баланд кўтарамиз»



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Муҳими, Олимпиададан Олимпиадага атлетларимизнинг муваффақиятлари яхшиланиб бормоқда. Бу қатнашчиларга давлатимиз томонидан яратиб берилаётган шарт-шароитлар билан бевосита боғлиқ.

XXX ёзги Олимпиада ўйинларига ҳам спортчиларимиз муносиб тайёргарлик кўришди. Хусусан, Президентимизнинг 2009 йил 5 январда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри(Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган уч босқичли дастур асосида улар замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиб, тажриба ва маҳоратларини оширдилар. Бундай юксак ишончга жавобан спортчиларимиз йўлланмалар бериладиган мусобақаларда бор маҳоратларини ишга солиб, Лондон шаҳри мезбонлик қиладиган Олимпиада ўйинларида спортнинг 16 тури бўйича иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

— Олимпиадада Ватанимиз байроғини баланд кўтариш биз, спортчилар учун катта шарафдир, — дейди оғир атлетика бўйича терма жамоамиз аъзоси Марина Сисоева. — Чунки ана шундай муваффақиятга эришишимиз учун бизга зарур бўлган барча шарт-шароит яратиб берилди. Бундай улкан эътибор ва ғамхўрликка ғалабаларимиз билан жавоб қайтарамиз.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Арипов, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Р. Жой сўзга чиқди.

**Фазлиддин АБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

## Тадбиркор аёл шижоати

***ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ.*** *Нукус шаҳридаги "Сарсенби Нукус" масъулияти чекланган жамияти қошида қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий технология ишга туширилди. Бунинг учун банкнинг 100 миллион сўмлик кредитидан самарали фойдаланилди.*

— Тайёрлаган дастлабки 2 тоннадан ортиқ ширинликларимизни ҳудуддаги савдо шохобчаларига етказиб бердик, — дейди жамият раҳбари Ўрозгул Қутлимерекова. — Маҳсулотимиз истеъмолчилар томонидан севиб харид қилинмоқда. Асосийси, касб-ҳунар коллежларини битказган 6 нафар ўғил-қиз доимий иш билан таъминланди.

Эътиборлиси, Нукус шаҳрида шу йилнинг биринчи ярмида жами 3163 та, жумладан, оилавий бизнес ва ҳунармандчиликни ривожлантириш эвазига 421 иш ўрни яратилди.

**Ҳ. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Қишлоққа зилол сув келди

***ЖИЗЗАХ.*** *Ғаллаорол туманидаги Тутли қишлоғига ичимлик суви тармоғи тортилди. Бунёдкорлик ишлари "Ёрқин тармоқ" масъулияти чекланган жамияти жамоаси томонидан амалга оширилди. Бунинг учун 179,9 миллион сўм ўзлаштирилиб, 2 километр масофага қувур ётқизилди.*

Умуман, ҳудудий инвестиция дастурига асосан, вилоятда коммунал иншоотлар қурилиши учун 3 миллиард 28,8 миллион сўмлик сармоя йўналтирилган. Айни пайтгача 79,9 фоиз ишлар амалга оширилиб, 5 та қудуқ қазилди ва 13 та қишлоққа 28,92 километр узунликдаги ичимлик суви тармоқлари тортиб келинди.

**У. АДИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Кичкинтойларга туҳфа

***ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ.*** *Қибрайлик ҳунарманд Шавкат Юсупов ўз ижодхонасини кенгайтириб, ёғоч қолдиқларидан болалар ўйинчоқлари тайёрлашга мўлжалланган янги цех фаолиятини йўлга қўйди.*

Бунинг учун ҳунарманд ўз даромади ҳисобидан 25 миллион сўм сарфлаб, ёғочга ишлов берувчи янги ускуналар харид қилди. Айни пайтда мазкур цехда "Устоз — шогирд" анъанаси асосида ўндан ортиқ ёшлар болаларнинг интеллектуал кўникмаларини шакллантиришга, уларда миллий ёғоч ўймакорлигининг нодир намуналари ҳақида тасаввур уйғотишга хизмат қилувчи ҳунармандчилик буюмларини тайёрламоқдалар.

Ҳунарманд ўз шогирдлари ёрдамида қисқа вақт ичида 50 миллион сўмликдан зиёд амалий санъат намуналарини тайёрлашга эришди.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Қулай ишбилармонлик муҳити ва эркин фаолият

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Негаки, унда 2013 йилдан бошлаб тадбиркорлик субъектлари ўз хоҳишларига кўра, тегишли давлат ва хўжалик органларида бир қатор тартиб-таомилларни электрон шаклда амалга оширишлари белгилаб қўйилди. Айниқса, "Интернет-банкинг" тизимидан фойдаланган тадбиркор ўз ҳисоб рақамини масофадан туриб бошқариш имкониятига эга бўлиши вақт олтинга тенг бўлган ҳозирги шароитда жуда катта қулайлик эмасми? Ёки бўлмаса, тижорат банкларига тўловларни электрон шаклда амалга оширган ишбилармонларнинг ҳисобварақларига хизмат кўрсатганлик учун ундириладиган тўлов миқдорини 20 фоизгача камайтириш тавсия этилганлиги шунча миқдордаги маблағни тежаш ва уни янги истиқболли лойиҳаларни юзага чиқаришга йўналтириш учун яна бир имконият-ку?!

Шундай шароитлар яратилган юртда ишлаш ҳузур бағишлайди, кишига. Мана, масалан, биз дастлаб савдо-сотиққа ихтисослаштирилган фирмамизни 1994 йилда 4 киши билан ташкил қилган бўлсак, ўтган вақт мобайнида ана шу енгилликлардан унумли фойдаланган ҳолда, уни жадал ривожлантириб келаяпмиз. Айни пайтда жамоамиз ишчилари сони 22 нафарга етиб, қўшимча равишда нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи цех, меҳмонхона, ошхона, сартарошхона, устахона сингари аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи шохобчаларимиз ишлаб турибди. Буларнинг бари республикамизда ишбилармонликни ривожлантиришга қаратилган ислоҳотларнинг амалдаги самарасидир, албатта.

**Умид АББОСОВ, Самарқанд шаҳридаги "Xalkamir-Mehr" масъулияти чекланган жамияти бош ҳисобчиси:**

— Президентимизнинг "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонини ўқиб, тўғриси, ниҳоятда тўлқинланиб кетдим. Нега деганда, мазкур ҳужжатга мувофиқ, ишбилармонлару тадбиркорларга яратилган енгиллик ҳамда имтиёзлар кўлами ва миқёси янада кенгайтирилганки, бу, ўз навбатида, уларни юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнида бундан-да фаол қатнашишга даъват этади. Ўзингиз айтинг, эндиликда ҳисоботларни топшириш ёки лицензия олиш тартиб-қоидалари янада соддалаштирилгани — тадбиркорнинг вақти турли ҳисоботлар учун беҳуда сарфланмайди, аксинча, шу қимматли вақтни янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтиради, дегани эмасми?

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, банкротга учраган корхоналар сармоядорларга топширилгач, уларда замонавий технологиялар асосида харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилаётгани ҳам юртимизда тадбиркорларга билдирилаётган катта ишончнинг амалий ифодасидир. Мисол учун, биз 2010 йили фаолияти тўхтаб қолган Самарқанд бахмал заводини сотиб олиб, унинг негизида "Xalkamir-Mehr" масъулияти чекланган жамиятини ташкил этгандик. Айни кунларда бу ерда тайёрланаётган бахмал маҳсулотларига талаб тобора ортиб бормоқда.

Қисқача айтганда, Президентимизнинг янги Фармони иқтисодиётимизнинг таянчига айланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ривожига қаратилган эътиборнинг мантиқий давоми бўлиб, бу ҳужжат талабларининг изчил ижроси ишбилармонлар салоҳиятини юзага чиқариш, юрт тараққиётига қўшаётган ҳиссаларини янада кўпайтиришга хизмат қилиши билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

**Раҳматулло СОБИРОВ, Хатирчи туманидаги "Маҳмудбобо Собиров" масъулияти чекланган жамияти раҳбари:**

— Юртбошимизнинг "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, таъбир жоиз бўлса, айни шу соҳа равнақи йўлида қўйилган навбатдаги амалий қадам бўлди. Ушбу Фармонда қайд этилганидек, ҳозирги вақтда мамлакатимизда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фақат битта соддалаштирилган статистик маълумотни ҳар чоракда, молиявий ҳисоботни эса йилига бир марта тақдим этаётгани, сўнгги бир йилда улар учун 65 турдаги рухсат бериш тартиб-таомили бекор қилингани биз учун ҳақиқий енгиллик ва ғамхўрликдир.

Бундан ташқари, янги Фармонга кўра, 2014 йил охирига қадар барча тадбиркорлик субъектларини статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимига тўла ўтказиш, шунингдек, 2012 — 2016 йиллар мобайнида лицензия ва рухсатномаларни олиш учун интернет тармоғи орқали аризаларни беришнинг электрон шаклларини жорий этиш белгилаб қўйилгани уларнинг эмин-эркин фаолият юритишлари учун яна бир қулайликдир.

Айни пайтда қурилиш учун локбўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонамиз жамоаси Фармон талабларидан руҳланган ҳолда, истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга ҳаракат қилмоқда.

# Таҳлил ва истиқбол

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Унда адлия органлари ва муассасалари томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишлар ҳамда келгуси вазифалар муҳокама қилинди.*

## Сарҳисоб

Хусусан, тадбирда Президентимизнинг "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари ижроси бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида вазирлик томонидан 4 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган, 530 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан, 125 та идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат давлат рўйхатидан ўтказилган. Адлия органлари томонидан бу даврда қонунчиликка риоя этилиши устидан самарали назорат ўрнатиш, шартномавий-ҳуқуқий соҳада интизомни мустаҳкамлаш, тадбиркорлик ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилгани алоҳида айтиб ўтилди.

Анжуманда адлия органлари ва муассасалари томонидан белгиланган тадбирларни ўз вақтида ижро этиш, ҳуқуқшуносликка ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, нотариус лавозими захирасини малакали ҳуқуқшунослар билан тўлдириш, малака комиссиялари фаолиятини такомиллаштириш каби истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди.

Ҳайъат мажлисида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Адлия вазирлиги Ахборот хизмати.**

# Замонавий ускуналар, тежамкор технологиялар

## рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг муҳим омилидир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Универсал қадоқлаш буюмлари — полипропилен қоплар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган ушбу корхона 2009 йилда ташкил этилган. Ўтган қисқа давр ичида у республикамизда ана шундай маҳсулотлар етказиб берувчи асосий корхоналардан бирига айланди. Табиийки, бунга тадбиркорлик ҳаракати учун берилаётган имтиёзлардан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқаришни мунтазам равишда модернизация қилиш ҳисобига эришилди.

— Президентимизнинг 2011 йил 4 апрелдаги "Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони тадбиркорларга чексиз ғамхўрликнинг яна бир ифодаси бўлди, — дейди жамият директори Носир Нигманходжаев. — Сабаби, ушбу ҳужжатга мувофиқ, 2011 йилнинг 1 апрелидан 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик бизнес субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текшириш тақиқланди. Бундан ташқари, солиқ тўловлари йил сайин пасайтирилиб, божхона имтиёзлари ҳам берилаяпти. Шуларнинг эвазига тежалган маблағни фаолиятимизни янада кенгайтириш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни татбиқ этишга йўналтираяпмиз.

Корхонада 2012 йилда модернизациялаш ишлари давом эттирилиб, Хитой давлатидан қиймати 35 миллион сўмлик полиэтилен қоплар ишлаб чиқариладиган замонавий ускуна олиб келиб ўрнатилди. Натижада қоплар ичига солинадиган бундай пакетлар сотиб олишга ҳожат қолмади.



— Автоматик равишда бошқариладиган мана бу экструдер ёрдамида бир кеча-кундузда 1,2 тонна хом ашё қайта ишланади, — дейди оператор Шавкат Қурбонов. — Полипропилен гранулалари 300 даража ҳароратда эритилиб, дастлаб ундан плёнка тайёрланади ва шу заҳотиёқ у 120 тагача толага ажратилиб, ғалтакларга ўралади. Тайёр иплар эса тўқиш цехига пешма-пеш етказиб берилади.

Цехда 28 та тўқув дастгоҳи ўрнатилган бўлиб, улар ёрдамида бир кеча-кундузда 35 минг метргача полипропилен газлама тўқилади. У бичиш-тикиш цехида чеварларнинг меҳнати билан 10 килограммдан 100 килограммгача сиғимга эга қопларга айланади. Буюртмачининг талабидан келиб чиқиб, қопларга ушлагичлар ҳам ўрнатиб берилади. Сўнгра уларга бўяш цехида гул ёки тамға босилади.

Президентимизнинг ўтган ҳафтада эълон қилинган "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони корхона ривожида яна бир даврни бошлаб берди, дейиш мумкин.

Жамиятнинг 30 кишилик жамоаси унга мувофиқ берилаётган имтиёзлардан оқилона фойдаланиб, ишлаб чиқариш ҳажмини муттасил ошириб, буюртмаларни ўз вақтида бажариш пайидан бўлмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида маҳсулот тайёрлаш ҳажми 30 фоиз ўсгани ана шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Корхонада 2012 йилнинг охирига қадар маҳсулот тайёрлаш ҳажмини 50 фоизга ошириш, экспортбоп маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштириш кутилаяпти. Шу мақсадда хориждан яна 15 та тўқув дастгоҳи ва бошқа замонавий ускуналар олиб келинаяпти. Улар мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллик байрами арафасида ўрнатилиб, қўшимча 30 та иш ўрни очилади. Энг муҳими, ламинатланган ва фотопечатланган полипропилен қоплар тайёрлаш йўлга қўйилади. Озиқ-овқат саноатида талаб юқори бўлган бундай қоплар нафақат маҳаллий буюртмачиларга, балки хорижлик харидорларга ҳам етказиб берилиши мўлжалланмоқда.

**Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** жамият ҳаётидан лавҳалар.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

# ДАЛИЛЛАРНИ МЕНСИМАСЛИК АЯНЧЛИ ОҚИБАТЛАРГА ОЛИБ КЕЛИШИ МУМКИН

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

"Биз, аввало, бу ишларни сифатли якунлашимиз, шундан сўнггина Вахш дарёси ўзанини тўсишга киришишимиз лозим", — деди Н. Саидов. Унинг айтишича, "Роғун ГЭСининг икки агрегати учун деярли барча зарур ускуналар тайёрланган ва олиб келиб қўйилган". Шу билан бирга, у "айни пайтда Роғун ГЭСи қурилиши майдонида саккиз минг нафардан ортиқ қурувчи, жумладан, чет эллик қурувчилар ишлаётгани"ни маълум қилди.

Тожикистон Молия вазирлигининг 2012 йил 19 июлда берган баёноти ҳам Роғун ГЭСи комплекси қурилиши жадал суръатда давом эттирилаётганини тасдиқлайди. Ушбу баёнотда "Роғун ГЭСи лойиҳасини бюджетдан молиялаштириш бўйича 2012 йил учун 210 миллион АҚШ долларига тенг маблағ ажратилиши кўзда тутилган ва бу жараён тўхтатилмайди", деб қайд этилган.

Тожикистон томони ўзини Жаҳон банкига берган баланд-парвоз ваъдалари ва мажбуриятларининг гўёки, унга алоқаси йўқдек ҳис қилаётгани ҳамда бугунги кунда Жаҳон банки томонидан 20 миллион доллар миқдорида "лутфан" тақдим этилган пул эвазига ўтказилаётган халқаро экспертизанинг кутилаётган натижалари уни асло жиловлай олмаслигини исботлаш учун яна қандай далиллар керак?

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: агар Жаҳон банкининг халқаро экспертизаси натижалари бўйича Роғун ГЭСи қурилиши танланган мазкур майдонда улкан тўғон қурилишига йўл қўйиб бўлмаслиги, негаки, унинг пойдевори 100 метр қалинликдаги туз қатламида жойлашгани ва у ерда Рихтер шкаласи бўйича 9-10 балли зилзилалар тез-тез рўй бериб, тоғ жинслари кўчиб туриши ҳақида хулосага келинса, Тожикистон ҳукумати қандай аҳволда қолади?

Иккинчидан. Балки юқорида зикр этилган "мустақил" экспертизани ўтказишдан мақсад қурувчилар ва буюртмачиларнинг жорий фаолиятини ниқоблаш, халқаро ташкилотлар ва жамоатчилик ҳушёрлигини сусайтириш ҳамда пировардида уларни ушбу объект қурилишини ортга қайтариб бўлмаслигига ишонтиришдан иборатдир?

Ўзбекистон Тожикистон томонини халқаро ташкилотлар, институтлар ва тадқиқот ташкилотларини бу тарзда чалғитишга уринишлар ғоят аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида яна бир бор огоҳлантиради.

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Иш ўринларини қисқартиради

***Тармоқ жиҳозлари ишлаб чиқарувчи “Cisco Systems” (АҚШ) компанияси 1,3 минг нафар ходими билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилмоқчи.***




Бу ҳақда “Рейтер” ахборот агентлиги хабар тарқатди. Изоҳланишича, иш ўринларини қисқартириш компанияни қайта ташкил этиш вақтида амалга ошириладики ва бу ислоҳот унинг фаолияти янада самарали бўлишига замин яратади.

Айтиш жоизки, шу йил бошида “Cisco Systems” акциялари баҳоси 11 фоизга пасайиб кетганди. Мутасаддилар иқтисодий барқарорликни таъминлаш орқали ана шу салбий ҳолатга барҳам бериш ниятидалар.

## Ёнғинни жиловлаб бўлмаяпти

***Испанияда сўнгги 25 йил ичидаги энг йирик ўрмон ёнғинлари кузатилмоқда.***



Табиий офатга қарши курашиш мақсадида 20 та махсус самолёт ҳамда вертолёт, юзлаб ўт ўчирувчилар, шунингдек, 200 нафар ҳарбий хизматчи сафарбар этилган бўлса-да, ҳали кутилган натижага эришилгани йўқ. Ёнғин оқибатида тўрт киши ҳаётдан кўз юмган, 13 минг гектар майдонга зарар етган. Хавфли ҳисобланган ҳудудлардан 1,3 минг одам эвакуация қилинган.

Ҳозирча воқеага ўрмонга ташланган сигарета қолдиғи сабаб бўлган, дея тахмин қилинмоқда.

## Жаҳон рекордини ўрнатди

***Собиқ “Формула-1” пойгачиси Дэвид Култхард машина билан гольф тўпини уриш бўйича жаҳон рекордини ўрнатди.***



Буюк Британиянинг Дансфолд аэродромида ташкил этилган мазкур ажабтовур беллашувда профессионал спортчи Жейк Шепард томонидан зарба берилган гольф тўпи 275 метр масофага соатига 278 километр тезлик билан ҳаракатланган. Дэвид Култхард эса ана шу тўпни “Мерседес Бенц” русумидаги автоулов билан қувиб етиб, уришга муваффақ бўлган.

Пойгачи ушбу натижаси билан Гиннеснинг рекордлар китобидан ҳам жой олиши мумкин.

## Кредит рейтинги бўйича хулоса

***“Moody`s” халқаро рейтинг агентлиги Германия кредит рейтингини “барқарор”дан “манфий” даражага пасайтириши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирди.***




Ташкилот экспертларининг фикрига кўра, бу еврохудудда узоқ давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз билан боғлиқ. Гап шундаки, яқинда Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг иқтисодиёт ва молия вазирлари оғир таназзулга тушиб қолган Грецияга кўмак беришга қарор қилгандилар. Ажратиладиган маблағнинг асосий қисми йирик донор мамлакат ҳисобланган Германия чекига тушган. Бу унинг бюджетига жиддий зарар етказиши мумкин.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# Саралаш баҳслари давом этмоқда

*Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан Компьютер ўйинлари бўйича ўтказилаётган Ўзбекистон чемпионати — “Uzbekistan Cyber Games Beeline — 2012” мусобақаларининг минтақавий саралаш турнирлари давом этмоқда.*

## Танлов

Қарши шаҳрида ташкил этилган ҳудудий финал босқичида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидан 150 дан ортиқ компьютер ўйинлари ихлосмандлари иштирок этди.

Яккалик баҳсларининг “FIFA” ўйинида қаршилик Баҳодир Воҳидов ва Илёс Боймирзаев ўзаро рўбарў келди. Ушбу беллашувда кичик ҳисоб билан Илёс Боймирзаев ғалаба қозонди.

“Counter Strike 1.6” ўйини бўйича ҳудудий финалда Сурхондарёнинг “Skyline” ва Қашқадарёнинг “Against enemy” жамоалари куч синашди. Ўйинда Қашқадарё вилояти вакилларининг қўли баланд келди.

— Қаршида мамлакатимизнинг икки жанубий вилоятидан кўп сонли иштирокчилар рўйхатга олинган эди ва финал йўлланмалари учун баҳслар ҳам қизғин кечди, — дейди чемпионат ташкилий қўмитасининг раҳбари Александр Сучков. — Иштирокчилар жаҳоннинг икки энг машҳур ўйинлари — “FIFA” ва “Counter Strike 1.6” бўйича ўз имкониятларини синаб кўришди.

Ҳудудий босқич ғолиблари “Билайн” компаниясининг қимматбаҳо эсдалик совғалари ҳамда шу йилнинг 11 август куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган финал ўйинларига йўлланмани қўлга киритдилар.

Эслатиб ўтамиз, UCG компьютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон чемпионати 10 йилдан буён ўтказиб келинмоқда. Ҳозиргача миллий биринчилик ғолиблари юртимиз шаънини АҚШ, Сингапур, Италия ва Германияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатларида ҳимоя қилишган. 2007 йили Макаода ва 2009 йили Вьетнамда ўтказилган Осиё ўйинларида мамлакатимиз вакиллари кумуш медаллар билан тақдирланишган. Навбатдаги жаҳон чемпионати баҳслари Жанубий Кореяда ўтказилади.

**Ирода НАБИЕВА.**

• **Реклама ва эълонлар** •


## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан, 2006 йил 6 мартдаги ЖСК-1-88/2006-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Мичурин дала ҳовличилар» ҳудудида жойлашган 67-сонли дала ҳовли арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 180 046 387,53 сўм.*

**Аукцион савдоси 2012 йил 10 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.**

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 8 август куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

1210А/1441

*Лицензия: RR-0001.*



## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
## Самарқанд вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

**I.** Аукцион савдосига Суд департаменти Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар Олмазор (собиқ Собир Раҳимов) тумани судининг 2010 йил 2 апрелдаги 1-17/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулк такроран қўйилмоқда:

«Жаҳон-жон» ХИЧСТФга тегишли, Самарқанд шаҳри, Набиева кўчаси, 6-уйда жойлашган, умумий майдони 12624 кв.м., қурилиш ости майдони 3 884,15 кв.м. бўлган база биноси ва унинг мол-мулклари мулкий мажмуа сифатида арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 676 868 436 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 10 август куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.***

**II.** Аукцион савдосига Самарқанд шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 25 декабрдаги ЖСК-1-481/2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** «СУ-855» МЧЖга тегишли, Самарқанд шаҳри, Аэропорт кўчаси, 9-уйда жойлашган, қурилиш майдони 843,0 кв.м. бўлган савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 116 258 778 сўм.***

**2.** «12-шина таъмирлаш заводи» МЧЖга қарашли, Самарқанд шаҳри, Бедил кўчасида жойлашган бино-иншоотлар ҳамда барча мол-мулклар мулкий мажмуа сифатида.

***Бошланғич баҳоси — 1 089 524 715 сўм.***

**3.** «МАДРИД ИНТЕР ПЛУС» МЧЖга тегишли, Самарқанд тумани, Мотрит қўрғонида жойлашган ғишт ишлаб чиқариш заводи бино-иншоотлари ҳамда барча мол-мулклари мулкий мажмуа сифатида.

***Бошланғич баҳоси — 552 308 327 сўм.***

**4.** Самарқанд тумани, Қундисуфи қишлоғида жойлашган дорихона биноси.

***Бошланғич баҳоси — 36 998 100 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 10 август куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 8 август куни соат 18.00.***

**Талабгорлар диққатига!** Ушбу мол-мулклар 2012 йил 10 августдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2012 йил 27 август куни сотилгунга қадар бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 24 август куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Самарқанд вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»и «Кўксарой» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000604920609025, МФО: 00262, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Самарқанд ш., Бўстонсарой к., 85-«А» уй. Телефон: (8-366) 233-80-56. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

1212R/1441

*Лицензия: RR-0001.*



## ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

***қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:***

**Кафедра мудири:**
Ахборот-кутубхона тизимлари, Мультимедиа технологиялари, Ахборот технологиялари
**Профессор:**
Ахборот-кутубхона тизимлари — 1
**Доцент:**
Ахборот-кутубхона тизимлари — 1
**Катта ўқитувчи:**
Ахборот-кутубхона тизимлари — 1
**Ассистент (ўқитувчи)лар:**
Ахборот-кутубхона тизимлари — 1, Жисмоний тарбия ва спорт — 1.

*Аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.*

*Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етук мутахассислари қатнашишлари мумкин.*

**Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 108-уй. Телефон: (8-371) 238-64-06.**



## «KO‘P TARMOQLI KO‘CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

Аукцион савдосига Ҳамза тумани СИБ томонидан тақдим қилинган, 2011 йил 25 июлдаги 21430/4-сонли бирлаштирилган ижро варақасига асосан хатланган, қарздор «UMUM QURILISH SERVIS» XICHQКга қарашли, бошланғич нархи 1 137 815 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод (собиқ О. Зокиров) кўчаси, 85-уй манзилидаги жами майдони — 10441 кв.м. ер майдонида жойлашган жами 523 кв.м.да жойлашган 4 та бино (блок-1 қоровулхона биноси — 14 кв.м., блок-2 ёрдамчи бино — 23 кв.м., шийпон майдони — 13 кв.м., блок-3 бокс биноси — 42 кв.м., блок-4 маъмурий бино — 431 кв.м.) такроран қўйилмоқда.

***Аукцион савдоси 2012 йил 10 август куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.***

Ушбу савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «KO‘P TARMOQLI KO‘CHMAS MULK SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк»и Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (8-371) 249-54-59, 249-53-61.**

1213R/505

***Лицензия: № 0039.***



## ТАРОЗИЛАР

**0,0001 гр. дан 250 тоннагача**




**Сертификатланган + Сифат + Кафолат + Сервис**

- Кичик Бешёғоч к., 86 (соб. Глинка кўчаси, олдинги шаҳар ГАИси қаршисида), тел.: (+998 71) 200-34-34, (доп. 850, 858), факс: 281-43-65;
- Тўйтепа к., 5 (Давлат поликлиника бекати), тел.: (+998 71) 232-06-61, 236-04-49, 233-60-07;
- Беруний к., («Тинчлик» метро бекати), тел.: (+998 71) 120-85-85, 242-42-52, 249-39-50.

**www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz**

680R/920



## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
**Сирдарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан, Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2010 йил 24 майдаги 112-01011/2311 (27.1)-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сирдарё тумани, Сирдарё шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 210-уйда жойлашган, умумий қурилиш майдони 393,75 кв.м. бўлган, 0006-литердаги ёрдамчи бино такроран қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 164 404 298 сўм.*

Аукцион савдоси 2012 йил 14 август куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 10 август куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сирдарё вилояти филиали ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

**Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона. Телефон: (8-367) 226-38-91. Расмий сайт: www.1kms.uz**

1211A/1441

*Лицензия: RR-0001.*



## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

*очиқ аукцион савдосига таклиф этади!*

***«Capital Realtor Group» МЧЖ Фарғона филиалида 2012 йил 10 август куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк такроран арзонлаштирилган нархда қўйилмоқда:***

Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан, ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2011 йил 30 декабрдаги 2-125-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтиариқ туманининг «Фруктовый-Рай» агрофирмасига қарашли, Олтиариқ тумани, «Қапчуғай» ҚФЙ, «Шарқ тонги» МФЙ, Қапчуғай кўчасида жойлашган, умумий майдони 6048,78 кв.м., фойдали майдони 3577,98 кв.м. бўлган маъмурий бино-иншоотлар.

*Бошланғич баҳоси — 401 455 581 сўм.*

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда, яъни 2012 йил 8 август куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Ушбу очиқ аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

***Савдога қўйилган кўчмас мулкка доир тақдим қилинган ҳужжатлар билан танишиш, савдода қатнашиш учун ҳужжатлар тақдим этиш юзасидан ва қўшимча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:***

**Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 22-уй. Телефонлар: (+99873) 224-69-96, (+99890) 231-38-59.**

1208A/1192

*Лицензия RR-0017.*



## «ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

**ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.**

***(ҚҚС билан)***



**«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича**
Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

*Қувурлар Х42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади.*
*Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.*

**Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.**

*2012 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.*

130R/97

**Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.**



*Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уйда жойлашган*

## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

**1 ва 2-ўқув биноларида умумий майдони 101 кв.м. ва «Ёшлик» талабалар шаҳарчасидаги 192-сонли талабалар тураржойи биносида умумий майдони 48 кв.м.дан иборат хоналар соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида ижарага берилишини маълум қилади.**

**Танловда қатнашишни хоҳловчилар 2012 йил 20 августгача мурожаат қилишлари мумкин.**

**Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 233-41-09, 233-43-18.**

1201A/902



**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

9.00 дан 18.00 гача

232-11-15, 236-09-25.

E-mail: reklama@xs.uz

## Биз ва жаҳон

*Яқинда Бельгияда нашр этиладиган оммабоп “Voyages Voyages” ойлик журнали саҳифаларида таниқли фотожурналист Эзекуэл Скагнеттининг “Ўзбекистон — тамаддунлар чорраҳаси” сарлавҳали мақоласи босилиб чиқди. Мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятига бағишланган ушбу мақола муаллифнинг шу йил март ойида Ўзбекистон бўйлаб уюштирган ижодий сафарининг натижаси сифатида журналхонлар эътиборига ҳавола қилинди.*



# «Ўзбекистон – тамаддунлар чорраҳаси»

Маълумки, ҳозирги вақтда Ўзбекистон европаликлар эътиборини тобора кўпроқ ўзига жалб этаётир. Мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойлари эса дунёдаги энг оммабоп сайёҳлик йўналишларидан бирига айланмоқда. Европа мамлакатларида фаолият олиб бораётган етакчи сайёҳлик компаниялари вакилларининг эътироф қилишича, Ўзбекистон ривожланган, энг юксак халқаро мезонларга жавоб берадиган замонавий сайёҳлик инфратузилмасига эга бўлиб, ажойиб меҳмонхоналар, қулай ва тезюрар поездлар, юртимизнинг тарихий шаҳарлари орасида қатнайдиган замонавий автобуслар, юқори малакали ва хорижлик меҳмонларга ранг-баранг йўналишларни таклиф қиладиган сайёҳлик операторлари шулар жумласига киради. Ва, албатта, дунёдаги кўҳна шаҳарлар бўлмиш Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабзда қад кўтарган маҳобатли маданий-тарихий обидалар европалик сайёҳларни оҳанрабодек ўзига тортмоқда.

Европанинг деярли барча етакчи сайёҳлик компаниялари Ўзбекистонни туризм нуқтаи назаридан дунёдаги энг қизиқарли ва жозибадор мамлакатлардан бири сифатида эътироф этганлари ҳолда, ўзларининг реклама-ахборот нашрлари орқали мижозларни ўлкамиз бўйлаб ранг-баранг саёҳатларга таклиф этишаётир. Бу эса юртимиз сайёҳлик салоҳиятининг европаликлар орасида тобора оммалашиб бораётганидан далолат беради.

Э. Скагнетти ўз мақоласида Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари бўлмиш Самарқанд, Бухоро ва Хива ҳақида атрофлича ҳикоя қилган. Ўзбек халқининг урф-одат ва анъаналари, миниатюра санъати намуналари, бетакрор меъморчилик обидалари ҳамда ўтмишда яшаб ўтган усталар томонидан яратилган санъат буюмлари сақланаётган музейлар ҳам фотомусаввир эътиборидан четда қолмаган.

Муаллиф Регистон майдони, Бибихоним масжиди, Лаби Ҳовуз мажмуаси сингари меъморчилик обидалари ва Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларида кўрган бошқа турли осориатиқалардан ҳайратга тушганини маълум қилади. “Қўқон, Самарқанд, Бухоро ва Хива ўрта асрларда дунёнинг илм-фан марказлари бўлган. Қадим замонлардан буён бу шаҳарларда жаҳонга машҳур буюк олим ва мутафаккирлар яшаб, ижод қилишган”, деб ёзади Скагнетти.

Самарқандни тасвирлар экан, муаллиф турли тарихий даврларда Искандар Зулқарнайн, Чингизхон ва буюк саёҳатчи Марко Поло ушбу шаҳарда бўлганликларини қайд этади. У буюк саркарда ва давлат арбоби, ўз даврида Самарқанд шуҳратини бутун дунёга таратган Амир Темурнинг хизматларини алоҳида таъкидлайди. “Амир Темур бошқаруви даврида бу шаҳарда Регистон майдони, Бибихоним масжиди ва бошқа маҳобатли иншоотлар бунёд этилган”, дея ёзади муаллиф.

“Табаррук Бухоро” ҳақида ҳикоя қилар экан, Э. Скагнетти Осиёнинг энг кўҳна қадамжоси бўлмиш ушбу шаҳарда кўплаб тарихий ва меъморий ёдгорликлар қад кўтарганини қаламга олади. Унинг таъкидлашича, Бухорода асрлар мобайнида турли динларга эътиқод қилувчи кўплаб миллат ҳамда элатлар вакиллари ўзаро тинч ва аҳилликда яшаб келади. Ўзбек халқининг ўз маданияти, урф-одат ва анъаналарини сақлаб қолгани ҳам хорижлик журналистда катта таассурот қолдирганини англаш қийин эмас.

Қорақалпоғистон Республикаси маркази — Нукусга уюштирган сафарига тўхталар экан, муаллиф Осиё минтақасидаги энг яхши бадиий мажмуа бўлмиш И. В. Савицкий номидаги Давлат санъат музейида ўз кўзи билан кўрган санъат асарлари тўплами ҳақида завқ-шавқ билан ҳикоя қилади. “Ушбу музейда мураккаб собиқ совет даврида Москвадан узоқда жойлашган Нукусда асраб қолинган рус авангард санъатининг беқиёс тўплами жой олган. Ҳозирги вақтда бу ерда 90 мингдан ортиқ сурат, қадим Хоразмнинг моддий ва маданий санъати буюмлари, қорақалпоқларнинг халқ амалий санъати намуналари сақланмоқда. Мазкур музей Қорақалпоғистон миллий санъат мактабининг ўчоғи бўлиши билан бир қаторда, унинг экспонатлари таркибидан Ўзбекистон тасвирий санъати асосчилари ҳамда XX аср бошларида Ўрта Осиёда ижод қилган кўплаб мусаввирларнинг ижод намуналари ҳам ўрин олган”, деб ёзади муаллиф.

Э. Скагнетти мақолада Орол денгизи фожиасини надомат билан тасвирлар экан, уни XX асрнинг умумсайёравий ҳалокати сифатида эътироф этади. Муаллиф Орол денгизининг қуриши ва деярли йўқолиб кетишига, Оролбўйида яшовчи аҳолининг экологик муаммоларга дуч келишига собиқ иттифоқ раҳбарияти томонидан олиб борилган сиёсат сабаб бўлганини таъкидлайди. “Ҳозирги пайтда, — деб ёзади у, — Ўзбекистон раҳбарияти, халқаро ташкилотлар, жумладан, Жаҳон банки ушбу муаммони ҳал қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширмоқда”.

Ўзбекистон бўйлаб сафари муносабати билан “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида Э. Скагнетти хизмат тақозоси билан шу кунга қадар дунёнинг элликдан ортиқ мамлакатида бўлганини, аммо Ўзбекистонга уюштирган сафари бениҳоя ажойиблиги ва бир умрга ёдда қолиши билан ажралиб туришини таъкидлади.

Эзекуэл Скагнеттининг Ўзбекистонга бағишланган мазкур мақоласи Бельгия жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди. “Voyages Voyages” журнали кенг ўқувчилар доирасини қамраб олганини назарда тутиб, шуни ишонч билан айтиш мумкинки, мазкур мақола Европа Иттифоқи мамлакатларидан Ўзбекистонга сайёҳлар оқимининг янада ортишига хизмат қилади.

**«Жаҳон» АА.**
Брюссель

# Ҳал қилувчи синов масъулияти

*Мухлиса коллежда ўқиб юрган кезлари “Мутахассислик — сенинг келажагинг” номли кўргазма-ярмаркага тез-тез бориб турарди. Унинг ўзи қизиққан йўналиш бўйича олий ўқув юртида таҳсилни давом эттириш истаги ҳам ана шу тадбирдаги иштироки сабаб пайдо бўлган.*

## «Абитуриент — 2012»

Ўқувчи қиз коллеж дипломини олгач, институтга ҳужжат топширди. Тайёргарлиги пухта, билимига ишончи мустаҳкам эди. Аммо шундай бўлгани билан омад келмаса қийин экан. Мухлиса ўқишга кира олмади. Бунга унинг тест синови кунида интизомий хатога йўл қўйгани сабаб бўлди...

— Саволлар тарқатилиши билан дарҳол тест ечишга киришдим, — дейди у. — Қаттиқ ҳаяжонда эдим, шунга қарамай, аксарият саволларнинг жавобига ақлим етар, негаки, уларнинг кўпи дарсликларда ўқиган мавзуларим орқали менга таниш эди. Берилиб ишлаётгандим. Бир маҳал орқа қаторда ўтирган қиз елкамдан туртди. Беихтиёр ортга қарадим. У менга қоғоз узатиб, олд қатордаги дугонасига бериб қўйишимни илтимос қилди. Мен ҳам индамай қоғозни олдим. Айтилган одамга бериб юбормоқчи бўлиб тургандим, аудитория кузатувчиси қаттиқ танбеҳ берди. Шундан сўнг, яъни орадан ўн дақиқалар чамаси вақт ўтгач, бояги қиз яна елкамдан туртди ва... Биринчи танбеҳдан хулоса қилмаганимиз учун иккимиз ҳам тестдан чиқариб юборилдик. Шу тобда кимгадир ниманидир тушунтириш, ўзимизни оқлашга уриниш бефойда эди. Чунки биз аввалдан тушунтирилган қатъий тартиб-қоидани буздик ва бу ўринда аудитория кузатувчиси тамоман ҳақлигини тан олмай иложимиз йўқ...

Кичик бир хатоимни деб, ўз орзуларимга ўзим болта урганим, йўқотилган вақт учун ҳамон афсус чекаяпман. Бу йил яна ўқишга ҳужжат топширдим. Аммо тест куни яқинлашгани сайин қўрқув ҳисси кучайиб бораяпти...

Барчага аёнки, абитуриентлар учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга 1 август санасида бундай ҳолатларга дуч келиниши бор гап. Зеро, тест синовлари талаба бўлиш орзусидаги ёшларнинг энг серташвиш дамларидан бири ҳисобланади. Бундай пайтда азбаройи ҳаяжон сабаб турли камчиликларга йўл қўйилиши ҳам табиий. Руҳшунослар фикрига кўра, тестга қандай тайёргарлик кўрилган бўлмасин, синов куни абитуриент ўзини вазмин ва хотиржам тутишга муваффақ бўлмас экан, қўпол хатога йўл қўйиши, кўзлаган мақсадига эриша олмаслиги эҳтимолдан холи эмас.

— Аслида, инсон ҳар қандай вазиятда ҳам ҳаяжон, қўрқув, ваҳима сингари ҳисларни ирода кучи билан енгишга қодир, — дейди психолог Бобоёр Тўраев. — Шубҳасиз, бунинг учун алоҳида руҳий тайёргарлик зарур. Барчага маълумки, ҳар бир абитуриент тест синовларига икки-уч, беш-олти ой аввалдан, баъзан эса йиллаб ҳозирлик кўради. Бизнингча, худди шундай тайёргарлик пайтида психологик машқлар билан ҳам мунтазам шуғулланиб борилса, айни муддао бўлар эди. Масалан, кунига уч-тўрт маротаба беш-ўн дақиқа давомида мана бу сўзларни такрорлаш керак: “Мен тест синовига пухта тайёргарлик кўраяпман. Барча саволларга жавоб бера оламан. Ортиқча ҳаяжон, ваҳимаю қўрқув олдида таслим бўлмайман. Мен кучлиман ва бу синовдан, албатта, муваффақиятли ўтаман!”. Бундай машқ қулай ҳолатда ерга ўтириб олиб, диққатни бир ерга жамлагач, кўзлар юмуқ ҳолда бажарилади.

Мутахассиснинг таъкидлашича, синовдан бир кун аввал маънавий ва жисмоний куч тўплаш, айниқса, зарур. Бунинг учун имтиҳондан бир кун аввал барвақт ухлаш, енгил, шу билан бирга, углеводларга бой озиқ-овқатлар, сархил меваларни истеъмол қилиш, шу куни тестга тайёргарлик билан боғлиқ ҳар қандай машғулотларни тўхтатиш, кўпроқ тоза ҳавода сайр қилиш керак. Ушбу маслаҳатларга амал қилмаслик, яъни асабни тинчлантирмай тестга бориш нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин.

— Тест синови билан боғлиқ ҳаяжонни енгишда абитуриентнинг ота-онаси ва яқинлари берган руҳий кўмак ва мадад ҳам ўта муҳим аҳамиятга эгадир, — дейди руҳшунос. — Бироқ айрим ота-оналар ҳал қилувчи синов олдидан ўзлари билмаган ҳолда фарзандларининг ваҳима ҳисси янада кучайишига сабабчи бўлиб қоладилар. Яъни “Дарсингни қил!”, “Вақт жуда оз қолди”, “Бу кетишда ўқишга киролмайсан!” қабилида тинимсиз танбеҳ берилиши боланинг ўзига бўлган ишончини сўндириши мумкин. Аслида, тестга тайёргарликнинг ҳам ўз қонун-қоидалари бор. Машғулотларнинг энг мақбул тартиби 1 соатлик ўқиш-изланишдан сўнг 15-20 дақиқа дам олиш, бир оз хаёлни чалғитишдир. Баъзи ёшлар кун бўйи деярли узлуксиз китоб мутолаа қилишади ва ҳатто, тунда ҳам меъёридан ортиқ ақлий меҳнат билан шуғулланиш ҳоллари кузатилади. Бу мутлақо нотўғри. Нега деганда, 7-8 соатлик интеллектуал машғулотдан сўнг миянинг қабул қилиш кучи ўз-ўзидан сусаяди ва мавзуни қийин ўзлаштириш натижасида иккинчи бир муаммо — асаб таранглиги юзага келади...

Маълумотларга кўра, жаҳон миқёсида ҳар йили олий ўқув юртига қабул жараёнида ҳар уч абитуриентдан бир нафарининг ўқишга киролмаслиги кузатилар экан. Аксарият ҳолларда ёшлар буни катта қайғу билиб, узоқ вақт тушкунликка бериладилар. Аммо ҳаётда ҳар қандай нохуш вазиятнинг ҳам ўзига яраша ижобий тарафи бор, деганларидек, талабалик бахтига муяссар бўла олмаслик ҳаммаси тамом, дегани эмас. Бундай вазиятда “Эҳтимол, танлаган ихтисослигим ҳақида яна бир бор ўйлаб кўришим, қобилият ва салоҳиятимга янада кўпроқ мос келадиган мутахассислик бўйича таълим олганим маъқулдир”, дея оғир-босиқлик билан мушоҳада юритиб кўриш ва шундан келиб чиққан ҳолда тайёргарликни давом эттириш керак. Зеро, энг муҳими, келажак сари ирода ва матонат билан дадил интилиш, мустақил ҳаёт бўсағасидаги жиддий синовлардан ўтишда оқилона фикр юритиб, кўзланган маррага етишдир.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «Самарқандда ёз ифори»

*Самарқанд шаҳридаги “Чорсу” тасвирий санъат галереясида “Самарқандда ёз ифори” деб номланган кўргазма иш бошлади.*

## Кўргазма

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси вилоят бўлими ҳамда Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси ҳамкорлигида ташкиллаштирилган ушбу кўргазмада Ў. Тансиқбоев, Н. Карахан, Р. Темуров, Л. Бурэ, М. Аветов, Р. Аҳмедов, С. Абдуллаев, У. Жумартов каби машҳур рассомларнинг воҳа табиати манзаралари ва тарихий обидалари акс этган 40 та асари намойиш этилмоқда. Шунингдек, ундан айни пайтда Самарқандда яшаб, ижод қилаётган мусаввирларнинг йигирмадан ортиқ асарлари ҳам ўрин олган.

Кўргазма 30 июлга қадар давом этади.

**М. ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «Ягонасан, муқаддас Ватан!»

*Мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган “Ягонасан, муқаддас Ватан!” кўрик-танлови ёш истеъдод эгаларини аниқлаш, улар иқтидорини юзага чиқариш ва муносиб рағбатлантиришга хизмат қилмоқда.*

# Она юрт мадҳи

Мазкур ижодий танловнинг Бухоро вилояти босқичи бунга яққол мисол бўла олади.

Унда эллик нафардан зиёд ёш санъаткорлар ўзининг она-Ватан, тинчлик, мустақилликни мадҳ этувчи қўшиқлари билан қатнашди. Тадбирда иштирокчиларнинг ижрочилик маҳорати, мусиқа ва матн уйғунлигига алоҳида эътибор қаратилди. Томошабинлар ва ҳакамлар ҳайъатига, айниқса, когонлик Феруз Муҳаммедовнинг “Ўзбекистоним ўзинг” деб номланган қўшиғи маъқул тушди. Тўлқин Муҳаммедов сўзи ва мусиқаси асосида яратилган бу қўшиқ биринчи ўринга муносиб кўрилди. Шунингдек, Бухоро туманилик Бобомурод Неъматов ижросида янграган “Ўзбекистон, ҳур кунингдан ўргилай” ҳамда қоракўллик Дилшод Абдулҳакимов томонидан айтилган “Ягонасан, муқаддас Ватан!” қўшиқлари совринли ўринларга лойиқ деб топилди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Бунёдкор талабалар

*“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан уюштирилган “Бунёдкор” талаба-ёшлар ҳаракатида хоразмлик йигит-қизлар ҳам фаол иштирок этишмоқда.*

## Ташаббус

Хусусан, жорий йил ёзги таътил даврида вилоятдаги 3 та олий таълим муассасасида “Бунёдкор” талабалар меҳнат ҳаракати йўлга қўйилди. Ҳозир унда гуруҳларга бирлашган 1 минг 500 нафарга яқин ёшлар иш берувчи корхона-ташкилотлар, муассасалар, фермер хўжаликлари билан шартнома тузиб, қурилиш-таъмирлаш, ободончилик, хизмат кўрсатиш, сервис, алоқа ва ахборотлаштириш ҳамда қишлоқ хўжалик тармоқларида меҳнат қилмоқдалар. Улар ойига ўртача 400 минг сўм миқдорида маош олиб, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишаяпти.

Мавсум давомида талаба-ёшлар учун маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш тадбирлари ҳам ташкил этилмоқда.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «Омонхона» эшикларини очди

*Бойсун туманидаги “Омонхона” шифохонасининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди.*

## Яхши хабар

Ушбу муҳташам сиҳатгоҳни бунёд этиш учун “Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК томонидан 17 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Замонавий услубда қад ростлаган мазкур даволаниш мажмуасида бир пайтнинг ўзида 100 кишининг соғлиғини тиклаш имконияти мавжуд.

Таъкидлаш керакки, жорий йилда вилоятда 9 та ана шундай замонавий даволаниш мажмуасини фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

**Н. ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


• Реклама ва эълонлар •

**Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми?**

“KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI” MChJ

**Бу борада ишончли ҳамкор излаяпсизми?**



**Унда шошилиб таваккал қилманг.**

**Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудага совуришингиз мумкин.**

Кўчмас мулк бозорида 1-сонли риэлторлик лицензиясига эга бўлган «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизга кўчмас мулк, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончли хизмат кўрсатади.

Бунинг учун жамиятимиз юқори малакали мутахассисларининг **(+99890) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85** телефонларига қўнғироқ қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг. Кўчмас мулкингиз оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шаклланган ҳақиқий нархлар билан таққосланган ҳолда, республика миқёсида тарғиб этилиб, энг юқори нархда сотилиши кафолатланади.

Маслаҳат ва консалтинг хизматлари қонунчиликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади.

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан сизни, албатта, қувонтиради.

**Унутманг!**

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ кўчмас мулк бозорида энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.**

Лицензия: RR-0001.

563R/1441

**Мурожаат қилинг ва барака топинг!**





Тошкент давлат шарқшунослик институти жамоаси Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси доценти Матлюба Нурмуҳамедовага турмуш ўртоғи **Ниғматжон НУРМУҲАМЕДОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль ва йўллар институти жамоаси институт таҳририят-нашр бўлими ходимаси Адолат Қудратовага волидаи муҳтарамаси **Рафиқа ая ДЎСМУҲАМЕДОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат миллий рақс ва хореография Олий мактаби раҳбарияти ва жамоат ташкилотлари Ахборот-ресурс маркази бошлиғи Дилфуза Аҳмедовага падари бузруквори **КАРИМЖОН отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 754. 64 096 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.40 1 2 3 4 5